

---

## ИФТОРЛИК ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мана бир неча кунки, Президентимиз ташаббуси билан муборак Рамазон ойида инсонлар ўртасида хайру саховат ва меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида шаҳримиздаги маҳаллалар томонидан ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Хусусан бугун ҳам шаҳримиздаги муҳташам “Марғилон таомлари” мажмуасида “Янги Ўзбекистон Конституцияси давлат бирлиги рамзи” шиори остида навбатдаги ифторлик дастурхони ёзилди.

Шаҳримиздаги “Зухро”, “Гулистон”, “Тошкесар” ҳамда “Туягум” маҳаллаларида яшовчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 500 нафардан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор бўлган фуқаролар жам бўлган ушбу хайрия тадбири шаҳар ҳокимлиги ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси томонидан ўтказилди.

Ифторлик тадбири якунида нурунийлар юртимизга тинчлик, оилаларимизга тотувлик, рўзгоримизга қут-барака тилаб дуога қўл очишди.

Бу каби ифторликлар шаҳардаги ҳар бир маҳаллаларда давом этмоқда.

2023-04-04 20:09:07